



## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ИШ СИФАТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Наргиза Абдиева,*

*PhD, Тошкент молия институтини "Аудит" кафедраси доценти*

*Тошкент Ўзбекистон, Email: Abdiyeva\_nargiza@tfi.uz*

*ORCID: 0000000193016156*

## DIRECTIONS FOR IMPROVING THE QUALITY OF INTERNAL AUDIT IN JOINT-STOCK COMPANIES ON THE BASIS OF INTERNATIONAL STANDARDS

*Nargiza Abdieva*

*Associate professor, The department of Audit, Tashkent Institute of Finance, Tashkent,  
Uzbekistan*

*email: abdiyeva\_nargiza@tfi.uz*

*ORCID: 0000000193016156*

***JEl Classification: M1, M4, M41***

***Аннотация.*** Иқтисодий ва молиявий-хўжалик фаолиятини самарали бошқариш ва ривожлантириш йўналишларини аниқлаш долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Акциядорлик жамиятлари фаолияти барқарор ривожланишида бизнес-жараёнларнинг, кўрсатилаётган хизмат ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифати, бизнес режа кўрсаткичларини бажарилишини таъминловчи самарали бошқарув орқали акционерлар ва инвесторларни жалб қилиш, уларнинг ишончини оқлаш ташиқлот тараққиёти учун жуда муҳимдир.

Ички аудит бизнес-жараёнлар фаолияти ва ҳисобининг сифат назорати, аниқланган хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш оқали ташиқлотни самарали бошқариш воситаси сифатида намоён бўлади. Ва албатта ички аудит хизмати фаолияти самарадор бўлиши учун унинг иш сифатини назорат қилиш, баҳолаш ва ошириш бўйича чора-тадбирлардан

иборат тизимнинг йўлга қўйилиши бугунги кунда долзарб масалалардан биридир.

Ички аудит халқаро профессионал стандартларида ички аудитни сифатли ташиқил қилиш ва унинг сифатини ташиқил ва ички баҳолаш бўйича талаблар белгиланган бўлиб, унинг сифатини баҳолаш ва ошириш ташиқилот бошқаруви ва молиявий-хўжалик фаолияти натижавийлигининг ошишига олиб келади.

Бундан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятларида ички аудитни халқаро стандартлар асосида самарали ташиқил этиш ва унинг иш сифатини баҳолашнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб бериш зарурати юзага келади.

Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини ташиқил қилишининг пировард мақсади аудит ўтказиш натижасида рискларни аниқлаш ва бизнес-жараёнларни такомиллаштиришидан иборат. Бу мақсадга эришишида ички аудит сифатини ошириш, шу жумладан, ички аудит иш жараёнлари ва тавсиялари сифатини ошириш, ички аудит режасида юқори рискга эга бўлган соҳаларни

эътиборга олиш, ички аудитни рақамлаштириш катта аҳамият касб этади.

Мақола мақсади миллий ва жаҳон амалиётининг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда халқаро ички аудит профессионал стандартлари асосида ички аудит иш сифатини баҳолаш бўйича назарий, амалий ва методологик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Abstract.** In the conditions of sustainable development of the economy, it is an urgent issue to determine the directions of effective management and development of the financial and economic activities of foreign companies, including joint-stock companies. In the sustainable development of joint-stock companies, it is very important for the development of the country to attract shareholders and investors through effective management that ensures the high quality of business processes, services and manufactured products, and the performance of business plan indicators.

Internal audit is a means of effective management of the organization, with the quality control of business process activity and accounting, timely elimination of identified errors and deficiencies. And of course, in order for the internal audit service to be effective, the establishment of a system of measures to control, evaluate and improve the quality of its work is one of the urgent issues today.

International professional standards of internal audit set requirements for quality organization of internal audit and external and internal assessment of its quality. Assessment and improvement of its quality leads to an increase in the effectiveness of organizational management and financial and economic activities.

Based on this, there is a need to effectively organize internal audit in joint-stock companies based on international

standards and to reveal the theoretical and practical importance of assessing the quality of its work.

The ultimate goal of organizing an internal audit service in joint-stock companies is to identify risks and improve business processes as a result of conducting an audit. Improving the quality of internal audit, including improving the quality of internal audit work processes and recommendations, focusing on high-risk areas in the internal audit plan, and digitizing internal audit are of great importance in achieving this goal.

The purpose of the article is to develop theoretical, practical and methodological recommendations for assessing the quality of internal audit work based on international internal audit professional standards, while studying the advanced experience of national and world practice.

**Калит сўзлар.** ички аудит, ички аудит хизмати, ички аудит иш сифати, ички аудит сифатини таъминлаш ва ошириш дастури, Ички аудит халқаро профессионал стандартлари

**Key words.** internal audit, internal audit service, internal audit quality, A Quality Assurance and Improvement Program (QAIP), International standards for the professional practice of internal auditing

**Қириш.** Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш шароитида акциядорлик жамиятларида ички аудит хизмати иш сифатини таъминлаш ва уни доимий равишда ошириш зарурлигини тақозо этмоқда. Ички аудит хизмати фаолиятини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, илғор амалиётдан хабардор бўлиш орқали ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини ва натижавийлигини ошириш имконияти пайдо бўлади.

Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизмати иш сифатини ошириш кузатув Кенгаши, акционерлар ишончини оқлаш билан бир қаторда жамиятда ички аудитнинг аҳамияти ва заруратини намоён қилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида ички аудит иш сифатини баҳолаш бўйича услубий воситаларнинг етишмаслиги сабабли ушбу масаланинг долзарблиги тобора ошиб бормоқда.

Ички аудиторлар ва ички аудит хизмати иш сифатини таъминлаш, уни доимий назорат қилиш ва ошириш бўйича халқаро тажриба асосида чоратадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва амалиётда қўлланилиши ушбу долзарб масаланинг ечими сифатида акс этади.

**Натижалар.** Халқаро амалиётда тараққий этган мамлакатлар, шу жумладан Европа Иттифоқи мамлакатлари ички аудит иш сифатини ошириш бўйича Ички аудиторлар институти<sup>1</sup> томонидан ишлаб чиқилган талаблар ва стандартларга таянади (Ички аудитнинг халқаро профессионал стандартлари (A Quality Assurance and Improvement Program (QAIP))).

Ички аудит иш сифатини таъминловчи мезонларни 1-расмда кўришимиз мумкин.



### 1-Расм. Ички аудит иш сифатини таъминловчи мезонлар<sup>2</sup>

Ички аудит халқаро профессионал стандартлари ички аудит иш сифатини таъминлаш ва яхшилаш бўйича баҳолаш

қоидалари, тартиблари ва даврийлигини белгиловчи комплекс дастурни ишлаб чиқиш бўйича талабни илгари суради.

<sup>1</sup> <https://www.theiia.org>

<sup>2</sup> Ўрганилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Умуман олганда Ички аудит халқаро профессионал стандартлари тартиб ва қоидага риоя қилиш ички аудит сифатини таъминлаб беради.

Ички аудит халқаро стандартлари Сифат хусусиятлари стандартлари (Attribute Standards), Фаолият Стандартлари (Performance Standards), Амалиёт стандартларидан (Implementation Standards) иборат бўлиб, Сифат хусусиятлари стандартлари ташкилот ва

ички аудит фаолиятини амалга оширувчиларнинг хусусиятларини кўриб чиқади. Фаолият стандартлари ички аудит фаолиятининг моҳиятини тавсифлайди ва ушбу хизматларнинг самарадорлигини баҳоловчи сифат мезонларини ифодалайди.

Қуйидаги 1-жадвалда ички аудит иш сифатини таъминловчи асосий стандартлар келтирилган.

### 1-Жадвал

#### Ички аудит халқаро стандартлари гуруҳланиши<sup>3</sup>

Ички аудит халқаро стандартлари гуруҳланиши	Стандарт рақами	Стандарт номи	Стандарт моҳияти
Сифат хусусиятлари стандартлари	1000	Мақсад, ваколат ва жавобгарлик	Ички аудит мақсади, ваколоти ва жавобгарлиги халқаро стандартлар ва Ахлок Кодексига мос равишда ички аудит хизмати тўғрисидаги ички Низомда акс этиши керак.
	1100	Мустақиллик ва объективлик	Ички аудит мустақиллиги таъминланиши ва ички аудиторлар ўз мажбурият ва вазифаларини бажариш жараёнида объектив бўлишлари керак
	1200	Компетентлик ва ишга профессионал муносабат	Ички аудиторлар ички аудиторлик топшириқларини тегишли профессионал даражада бажаришлари лозим. Ички аудиторларга билимларини мутахассислик бўйича профессионал стандартларга эга бўлиш орқали намоён қилиш тавсия этилади.
	1300	Ички аудит сифат кафолати ва уни ошириш дастури	Ички аудит сифат кафолати ва уни ошириш дастури ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш учун ишлаб чиқилади. Дастур шунингдек, ички аудит самарадорлиги ва натижавийлигини баҳолаш ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш имкониятларини аниқлашни кўзда тутди.
Фаолият стандартлари	2000	Ички аудитни бошқариш	Ушбу стандарт ички аудит хизмати бошқарувчиси бўлимни унинг ташкилотга фойдалилигини таъминлаш даражасида самарали бошқариши кераклигини белгилайди.
	2100	Ички аудит фаолияти моҳияти	Ички аудит хизмати тизимли, изчил ёндашувни қўллаган ҳолда, назорат, корпоратив бошқарув ва рискларни бошқариш жараёнларини баҳолаши ва уларни такомиллашувига сабаб бўлиши керак.

<sup>3</sup> Ўрганилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

	2200	Аудиторлик топшириғини режалаштириш	Ички аудиторлар ҳар бир аудиторлик топшириғи бўйича мақсад, режа, иш ҳажми ва муддатлари, ресурслар тақсимотини кўрсатган ҳолда ички аудит режасини тузиши ва уни расмийлаштириши зарур.
	2300	Топшириқни бажариш	Ички аудиторлар топшириқ мақсадига етиш учун маълумотни етарли даражада йиғиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва ҳужжатлаштириши зарур.
	2400	Натижалар тўғрисида ҳисобот тақдим этиш	Ички аудиторлар топшириқ бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим қилиши керак.
	2500	Аудит натижаларига кўра амалга оширилган чора-тадбирларни назорат қилиш	Ички аудит хизмати бошқарувчиси топшириқ натижаларига кўра амалга оширилган чора-тадбирлар мониторинги тизимини ишлаб чиқиши ва унга амал қилиши керак.
	2600	Юқори ижро органи томонидан қабул қилинган рискни кўриб чиқиш	Ички аудит хизмати бошқарувчиси юқори ижро органи томонидан қабул қилинган риск даражасини ташкилот учун номувофиқ деб топса, бу масалани Кенгашга кўриб чиқиш учун тақдим қилишга ҳақлидир.

Ички аудиторлар томонидан Ахлоқ Кодекси қуйидаги принципларига риоя этилиши ички аудит иш сифатини таъминлашда катта рол уйнади.

1. Халоллик-ички аудиторнинг фикрига ишончинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади.

2. Объективлик-ички аудиторлар маълумотни йиғиш, баҳолаш ва тақдим этиш жараёнида профессионал объективликнинг энг юқори даражасини кўрсата олиши керак.

3. Конфиденциаллик- ички аудиторлар текширув жараёнида олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши керак.

4. Профессионал компетентлик. Ички аудиторлар ички аудит соҳасида хизматларни амалга ошириш учун етарли даражада билим ва кўникмаларга эга бўлиши ва уларни доимий равишда ошириб бориши зарур.

**Мунозара.** Ички аудит хизмати иш сифатини таъминлашда уни тартибга солувчи ички норматив ҳужжатлар катта аҳамиятга эга.

Ички норматив ҳужжатлар, яъни Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомда ички аудит иш сифатини таъминлаш, уни назорат қилиш, баҳолаш ва ошириш бўйича чора-тадбирлардан иборат тизимнинг ифодаланиши ички аудит фаолияти самарадорлигини баҳолаш имкониятини беради.

Ҳар бир фаолиятнинг самарали амалга оширишда уни самарали режалаштириш катта аҳамият касб этади. Ички аудит йиллик иш режаси, иш графиги ички аудит топшириқларини бажариш дастурининг ишлаб чиқиши ва ички аудит иш сифатини таъминлаш ва уни ошириш йўналишларидан биридир.

Иш жараёнлари ва ички аудит иш ҳужжатларининг сифати бўйича жавобгарлик халқаро стандартларга

асосан ички аудит хизмати бошқарувчиси зиммасида бўлиши ва бу мажбуриятнинг Ички аудит хизмати тўғрисидаги ички Низомда акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир. Аудиторлик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ички аудиторлар жамоада ишлай олиш, берилган вазифани ўз вақтида бажариш, мижоз корхоналар билан мулоқот қила олиш, муаммони ечимини топа олиш каби хусусиятларга ҳам эга бўлиши керак.

Ички аудиторларнинг етарли даражада профессионал компетентликка яъни билим ва кўникмаларга эга бўлиши ички аудит иш сифатини таъминловчи асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади. Ички аудит сифатини юқори даражада ушлаб туриш учун ҳар бир ички аудитор ва ички аудит хизматининг билим ва тажрибасини такомиллаштириш йўналишларини ва соҳаларини аниқлаш ва уларни режага киритиш зарур.

Ривожлантириш зарур бўлган соҳаларни аниқлаш ҳар бир бажарилган аудиторлик вазифаси бўйича ҳамда ички аудит хизмати йиллик фаолияти

натижаларига кўра амалга оширилиши зарур.

Ички аудит хизмати йиллик фаолияти бўйича уни ривожлантириш соҳаларини аниқлашда:

Ички аудит хизмати фаолияти Кузатув Кенгаши томонидан баҳоланади

Ички аудит хизмати фаолияти натижасида ташкилотга фойдалилик даражаси аниқланади.

Ҳар бир бажарилган аудиторлик вазифаси бўйича такомиллаштириш лозим йўналишларни аниқлашда:

- ички аудит хизмати раҳбари томонидан ҳар бир ички аудитор фаолияти баҳоланади;

- аудит натижаларига асосан ички мижозларнинг ички аудит хизмати фаолиятидан қониқиш даражаси баҳоланади. Бунда баҳолаш сўровномалар орқали амала оширилиши мумкин. Саволнома аудиторлик топшириғи бажариб бўлгандан кейин электрон тарзда тизимлаштирилган ҳолда ташкилот ички ресурсларида ёки электрон манзилга юбориш орқали амалга оширилиши мумкин. Ушбу саволнома наъмунаси кейинги 2-жадвалда келтирилган:

**2-жадвал.**

**Ички аудитор фаолиятидан қониқиш даражасини баҳолаш бўйича наъмунавий саволнома<sup>4</sup>**

№.	Савол	Ички мижоз томонидан қўйилган баҳо:
1.	Ўтказилган ички аудитдан қониқиш даражаси	
2.	Аудиторлик вазифасининг белгиланган муддатларда бажарилиши	
3.	Ички аудит режасига барча жараёнлар киритилганлиги	
4.	Ички аудит режасининг рискга йўналтирилганлиги	
5.	Ички аудиторнинг профессионаллик даражаси	
6.	Ички аудиторнинг Ахлоқ Кодекси принципларига риоя этиш даражаси	
7.	Ички аудиторлик ҳисоботининг сифат даражаси	
8.	Аудиторлик иш ҳужжатлари ва далилларнинг етарлилик даражаси	

<sup>4</sup> Ўрганилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ушбу саволномага жавоб беришда Ички аудит хизмати тўғрисидаги ички Низомга асосан "Қониқарли" ёки "Қониқарсиз" тарзда ёки 1 дан 5 гача бўлган баллик тизимда баҳоланиши мумкин. Ушбу саволнома кўрсаткичларининг қониқиш даражаси ўзгаришини назорат қилиш нафақат ички аудит вазифасининг сифатли бажарилишини таъминлашда, балки йўл қўйилган камчилик ва хатоларни тузатиш орқали ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштиришда катта аҳамият касб этади. Бу каби саволноманинг доимий равишда ўтказилиши ҳар бир ички аудиторнинг ва натижада ички аудит хизматининг аҳамияти ошишига олиб келади.

**Хулоса.** Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизмати фаолияти корпоратив бошқарувда, яъни бизнес-жараёнларни самарали бошқаришда, рискга эга бўлган соҳаларни аниқлашда, муомалаларнинг ҳисобда тўғри акс эттирилишида ва умуман корхонанинг самарали фаолият юритишида катта аҳамият касб этади. Албатта ички аудит хизмати ўзининг ташкилот учун қанчалик аҳамиятли эканлигини кўрсата олиши учун унинг фаолияти самараси баҳоланиши лозим.

Бундан келиб чиқиб, хулоса сифатида ички аудит иш сифатини баҳолаш ва бунинг натижасида унинг самарадорлигини ҳамда натижавийлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Ички аудит хизмати фаолияти Халқаро Ички Аудиторлар институти

томонидан ишлаб чиқилган Ички аудит халқаро профессионал стандартлари талаблари ва қоидалари асосида ташкил қилиниши.

2. Ички аудиторлар томонидан Ахлоқ Кодекси принципларига риоя қилиниши.

3. Акциядорлик жамиятларида Ички аудит сифат кафолати ва уни ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш.

4. Акциядорлик жамиятларида алоҳида ички аудитор ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва уни ички норматив ҳужжатларда акс эттириш.

5. Ички аудит Режаси ва дастурини рискларни бошқаришга йўналтирилган тарзда тузиш.

5. Ички аудиторларнинг билим ва кўникмасини доимий равишда ошириб боришни ташкил этиш.

6. Акциядорлик жамиятлари хусусиятларидан келиб чиқиб, ички аудит иш ҳужжатларини тизимли равишда ишлаб чиқиш ва уларни ички норматив ҳужжатларда акс эттириш.

7. Ички аудит ҳисоботи сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

8. Ички аудит фаолиятини автоматлаштириш ва рақамлаштириш орқали унинг амарадорлигини ошириш.

Фикримизча, юқоридаги чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва амалиётда қўлланилиши мамалакатимиз акциядорлик жамиятлари ички аудит хизмати иш сифатини ошишига олиб келади.



### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Халқаро ички аудит профессионал стандартлари. <https://www.iaa-ru.ru/>
2. Ахмеджанов К. Б., Нам А.Ф. Критерии оценки эффективности и качества внутреннего аудита. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2017 йил. 1-9б.
3. Илхамов Ш. И. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит ва унинг самарадорлигини баҳолаш хусусиятлари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил
4. Olga Savčuk Internal audit efficiency evaluation principles. Journal of Business Economics and Management 2007, Vol VIII, No 4, 275–284 [www.jbem.lt](http://www.jbem.lt).p.275-283
5. Разина О. Рекомендации к оценке качества внутреннего аудита в соответствии с Международными профессиональными стандартами внутреннего аудита. «Внутренний аудитор» № 1 (5), 2019. с.56-65
6. Шнайдер О.В., Система внутреннего аудита качества и её влияние на прибыль предприятия. Journal of Business Economics and Management 2007, Vol VIII, No 4, 275–284 [www.jbem.lt](http://www.jbem.lt)